

Қозғоғистон
Республикаси
Муствақиллиги
ва газетализга



Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

Жанубий

Қозғоғистон

1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган
Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

2021 йил 30 март, сешанба. №33 (2938).



«БИРЛИК, ТИНЧЛИК ВА ТОТУВЛИКНИНГ 30 ЙИЛЛИГИ»

**ПРЕЗИДЕНТ ҚОЗҒОҒИСТОН
ХАЛҚИ АССАМБЛЕЯСИНИНГ
НАВБАТДАГИ СЕССИЯСИНИ ЧАҚИРДИ**

Президент Қасим-Жўмарт Тўқаев Қозғоғистон Халқи ассамблеясининг наватдаги йигирма тўққизинчи сессиясини чақиритиш тўғрисида фармонни имзолади.

«Қозғоғистон Халқи Ассамблеясининг йигирма тўққизинчи сессияси 2021 йил 28 апрелда, Нур-Султан шаҳридаги Назарбаев марказида «Бирлик, тинчлик ва тотувликнинг 30 йиллиги» кун тартибиде чақирилсин», дейилган чоп этилган хужжат матнида.

«Қозғоғистон Республикаси Ҳукумати Қозғоғистон Халқи ассамблеясининг йигирма тўққизинчи сессиясини ташкил этиш бўйича чоралар кўриши керак», дейилади фармонда.

Akorda.kz.



ҲАВО РЕЙСЛАРИ ТИКЛАНМОҚДА

«5 апрелдан SCAT авиа компанияси Шимкентдан Истанбулга рейсларни қайта тиклайди. Ушбу йўналиш бўйича парвозлар ҳар душанба ва пайшанба кунлари Boeing 737 самолётида амалга оширилади», дейилади компания баёнотида.

Рейслар Қозғоғистон шаҳарлари билан қулай алоқаларни таъминлайди. Парвозга рўйхатдан ўтаётганда, тўлдирилган саёҳатчининг сўровномаси босма ёки электрон шаклда бўлиши шарт.

Казинформ.

ЭРТАГА – САММИТ

“ТУРКИСТОН – ТУРКИЙЛАР
ОЛАМИНИНГ МАЪНАВИЙ
ПОЙТАХТИ”



ТУРКИЙЛАР
КЕНГАШИНИНГ
НАВБАТДАГИ
САММИТИГА
ТУРКИСТОН
МЕЗБОНЛИК
ҚИЛАДИ

Эртага Туркистон шаҳрида Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгаши (ТТДҲК) норасмий саммити видеоанжуман шаклида ўтади.

Кенгаш матбуот хизматининг маълум қилишича, Қозғоғистоннинг ташаббуси билан ташкил этилаётган мазкур саммит “Туркистон – турк дунёсининг маънавий пойтахти” шиори остида ўтказилади.

Онлайн-анжуманда кенгашга аъзо барча давлатлар раҳбарлари ҳамда мазкур ташкилотда кузатувчи мақомига эга Венгрия бош вазири иштирок этади. Улар туркий дунёга оид минтақавий ва халқаро мавзулар, кенгашни янада ривожлантириш масалаларини муҳокама қилишади.

Саммит яқунлари бўйича Туркистонни Туркийлар оламининг маънавий пойтахти деб эълон қилишни кўзда

тутган декларациянинг имзоланиши кутилмоқда.

Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгаши туркий тилли давлатлар – Озарбайжон, Қозғоғистон, Қирғизистон, Туркия ва Ўзбекистон, кузатувчи мамлакат Венгрияни бирлаштиради. Ташкилот котибияти Истанбул (Туркия) да жойлашган.

Twesco.org.

МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА 20ТА ЯНГИ ТЕАТР ОЧИЛДИ



Муствақилликнинг 30 йилида Қозғоғистонда 20та янги театр очилди, Урал, Қарағанди, Нур-Султан, Қўстанай, Ўскемен, Шимкент ва Талдиқўрғанда 8та янги театр биниси фойдаланишга топширилди. Ҳар йили театрларда 12 мингга яқин турли жанрдаги спектакллар намоиш этилади.

Маданият ва спорт вазирлиги тақдим этган статистик маълумотларга кўра, ҳозирги кунда Қозғоғистонда 65та театр фаолият юритмоқда. Уларнинг 52таси давлат тасарруфида, шу жумладан 4та миллий – уйғур, корейс, немис ва ўзбек театрлари фаолият юритмоқда.

52та давлат санъат марказларидан:

- 5та болалар ва ўсмир-

лар театрлари;
- 3та опера ва балет театри;
- 7та кўғирчоқ театри;
- 24та драма театри (шу жумладан 3таси қозоқ ва рус труппалари билан);
- 11та муסיқий драма ва комедия театри;
- 1та ёшлар театри;
- 1та сатира театри.

«Егемен Қазақстан».

ТУРКИСТОН ВИЛОЯТИ – “ЯШИЛ ҲУДУД”ДА

Туркистон вилояти эмлаш бўйича республикада карвонбошилиқ қилмоқда. Минтақамизда 13 мингга яқин фуқаро ихтиёрий равишда коронавирუსга қарши эмланди. Шу жумладан, 10674 нафари тиббиёт ходимлари, 1276 нафари педагоглар, 444 нафари полиция ходимлари, бошқа тоифадаги 75 нафари фуқаролардир. Бугунги кунда 3264 одам иккинчи компонент билан эмланди. COVID-19га қарши эмлаш ишлари махсус ташкил қилинган 20та муассасада юритилмоқда.

Ҳозирги кунда вилоятимизда эпидемиологик вазият барқарор. Сўнгги кунларда Туркистон вилоятида 6 кишида COVID-19 инфекцияси тасдиқланган. Бир кеча-кундузда ўсиш 0,16 фоизни ташкил қилди. Умуман олганда, пандемия бошлангандан буён 574400 ПЗР тест олинди. Сўнгги кеча-кундузда ташхисхоналарда 2758 нафар киши текширилди. Юқумли касалликлар шифохонасида 610та ўрин бор, уларнинг 478таси бўш.

Вилоятимизда бугунги кунда 23429 нафар тиббиёт ходими фаолият юритмоқда. Улардан 5000 нафардан зиёди шифокор, қолганлари ўрта бўгин мутахассислари. Шифокорларнинг заҳматли меҳнати туфайли хавфли касалликни юқтирган 4292 нафар бемор соғайиб чиқди. Умуман олганда, пандемия бошлангандан буён COVID-19 инфекцияси тасдиқланган 4445 ҳолат қайд этилди. Ундан 2849 нафарида хасталиқ аломатларсиз ўтган.



Вилоятимиздаги муассасаларда 8та кислород станцияси, 400та сунъий нафас олдириш ускунаси, 1000тадан зиёд кислород ускунаси бор. 2 ойга етадиган дори-дармон захираси тўпланган, 40дан зиёд дори-дармон омбори, 800га яқин дориҳона фаолият юритмоқда.

Вилоят ҳокимининг
матбуот хизмати.

ҲОКИМ ФАХРИЙЛАР БИЛАН УЧРАШДИ

Туркистон вилоятининг ҳокими Ў. Шўкеев фахрийлар ва зиёлилар билан учрашди. Унда вилоят маслаҳати котиби Қ. Балабиев, вилоят фахрийлар кенгашининг раиси Ж. Мауленкулов ва Жетисай тумани оқсоқоллари иштирок этишди. Вилоят раҳбари бундай учрашувларнинг аҳамиятига тўхталиб, шундай деди:

– Пандемия туфайли оммавий тадбирлар тақиқланди. Аммо ҳокимлик ва давлат идораларининг фаолияти бир дақиқага ҳам тўхтамади. Ҳар сафар туманларга борган кезимда оқсоқоллар билан учрашишга ҳаракат қиламан. Энди доим бугунгидек учрашувларни ташкил этишга ҳаракат қиламиз. Ҳар бир тумандан оқсоқолларни йиғиб, муаммоларни муҳокама қиламиз. Бу хайрли ишни Жетисай туманидан бошладик,

сабаби бу туманда улкан ишлар амалга оширилди.

Карантин талабларига мувофиқ ўтган учрашувда туманнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти, сиёсий барқарорлигини сақлаш каби масалалар муҳокама қилинди. Жетисайлик оқсоқоллар ўз фикр-мулоҳазаларини ўртоқлашиб, ҳудуддаги долзарб масалаларни кўтаришди.

Учрашувга яқун ясар экан, вилоят ҳокими барча таклифлар инobatга олинишни таъкидлади.

Туман фахрийлари билан учрашувлар анъанага айлантирилиб, улар асосан миллий кадриятлар, юрт тинчлиги, ёшлар тарбияси каби мавзуларга бағишланади.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.



ЙЎЛОВЧИ НОҚОНУНИЙ ТАШИЛСА...

Вилоят маркази яқиндаги Интимақ аҳоли манзили ҳудудда, Туркистон вилоят йўловчилар транспорти ва автомобиль йўллари бошқармаси томонидан ташкил қилинган йўловчиларни ноқонуний ташишга қарши рейд тадбири ўтказилди.

Қўшма рейдда Қозоғистон Республикаси уюшган жиноятчиликка қарши кураш агентлигининг Туркистон вилояти бўйича департаменти, вилоят ички ишлар департаменти, Туркистон вилояти бўйича Давлат даромадлар бошқармаси ва транспорт

назорати инспекцияси ходимлари иштирок этишди.

Текширувлар натижасида йўловчиларни ноқонуний ташиш билан шуғулланаётган жамоат транспорти аниқланиб, ҳайдовчиларга қонун доирасида тегишли чоралар кўрилди. Чунончи, Қозоғистон Республикасининг «Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисида» Кодексига мувофиқ 4 та маъмурий баённома тузилди.

Бу каби рейд тадбирлари мунтазам амалга оширилади.

Вилоят минтақавий алоқалар хизмати.

ЖЕТИСАЙЛИК ТРАКТОРЧИ ҚИЗ КУНИГА 10 ГЕКТАР ЕР ҲАЙДАМОҚДА

Жетисай тумани, Қизилқум қишлоғида истиқомат қилувчи Арай Асилбекова болалигидан трактор ҳайдашга қизиқарди. У оғир техникани бошқаришни 11 ёшидаёқ ўрганиб олди. Ва бугунги кунда тракторида ҳамқишлоқларининг экин майдонларини ҳайдаб, тирикчилик қилади.

– Ёшлигимдан мен машиналарга эмас, балки ушбу техникага кўпроқ қизиқа бошладим. Отам ва акаларим танловимни қўллаб-қувватлаб, менга трактор ҳайдашни ўргата бошладилар. Бунинг учун уларга миннатдорчилигим чексиз. Ҳозир кунига 10 гектаргача ер ҳайдаб, деҳқонларга ёрдам бераман. Бундан ташқари, энди мен тракторнинг баъзи техник носозликларини созлашни ҳам ўрганиб олдим, – дейди А. Асилбекқизи.

Ҳозирда Туркистон шаҳридаги университетлардан бирининг 1-курсда таҳсил олаётган Араини талабалар «тракторчи қиз» дейишади.



Вилоят минтақавий алоқалар хизмати.

СОҒЛОМЛАШТИРИШ МАРКАЗИ ҚУРИЛАДИ

Туркистон вилояти ҳокими Ўмирзақ Шўкеев хизмат сифари чоғида Ўрдабоши туманидаги қатор иншоотларни оради.



Минтақа раҳбари ташрифини Шубарсу қишлоғидан бошлади. У хусусий клиника фаолияти билан танишди. 250 беморни қабул қила оладиган тиббиёт муассасасида 125 мутахассис ишлайди. Туманда 51та соғлиқни сақлаш муассасаси мавжуд.

Шунингдек, вилоят ҳокими Ўрдабоши туманининг янги лойиҳалари билан танишди. Чунончи, Бўген қишлоғидаги тиббий амбулаториянинг эски биносини ер ости минерал сувларидан самарали фойдаланиш мақсадида реабилитация ва соғломлаштириш марказига айлантириш режаланган.

Табиий захиралар тиббий

мақсадларда фойдаланилади. Икки қаватли бинонинг умумий майдони 14 минг квадрат метрни ташкил қилади.

Шу билан бирга, вилоят раҳбари маҳсулот экспорт қилинадиган иссиқхона



кўрди. Бу ерда икки гектар майдонда етиштирилаётган помидор ва бодринг вилоят бозорлари ва бошқа вилоятларга етказиб берилмоқда.

Таъкидлаш жоиз, Ўрдабоши туманидаги иссиқхоналарнинг умумий майдони 87 гектарни ташкил этади, шу жумладан, 21 гектари саноат иссиқхона-

ларидир. Ўтган йили уларда қарийб 10 минг тонна сабзавот ва мева етиштирилди.

Туман ҳокими Нурбўл Туррашбеков Бўралдай сув омбори лойиҳасини вилоят раҳбарига тақдим этди. Обикор деҳқончиликни ривожлантириш, сув муаммоларини ҳал қилиш учун Ўрдабоши туманида ти-



зимли ишлар олиб борилмоқда. Бугунги кунда минтақада умумий узунлиги 800 чақиримдан зиёд 87та канал мавжуд. Уларнинг 215 чақирими ўтган йили тозаланган. Натижада, экин майдонларни сўғориш яхшиланди. Бу йўналишдаги ишлар бу йил ҳам давом этади.

Туркистон вилояти ҳокимининг матбуот хизмати.

ФАХРИЙЛАР ҲАМИША ФАОЛ

Вилоят ҳокими Ўмирзақ Шўкеев Ўрдабоши тумани фахрийлари ва зиёлилар билан учрашиб, минтақада амалга оширилаётган ишлар ҳақида гапириб берди.

Очиқ суҳбат давомида кекса авлод вакиллари қатор долзарб масалаларни кўтариб, вилоят раҳбарига саволлар билан мурожаат қилишди.

Учрашувда долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилди. Карантин талабларига риоя қилинган ҳолда ўтказилган учрашувда туманнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти, ижтимоий-сиёсий барқарорлигини таъминлаш масалалари муҳокама қилинди.

– Эпидемия туфайли сиз билан узоқ вақт учраша олмадик. Пандемия талабларига риоя қилган ҳолда барча туманларнинг оқсоқоллари билан мунтазам равишда учрашувлар ўтказишга қарор қилдик. Сиз, фахрийларнинг фикри биз учун муҳим, – деди минтақа раҳбари.

Оқсоқоллар қишлоқ хўжалиги, обикор деҳқончилик, туризм соҳаларидаги муаммоларга эътибор қаратишди. Фахрийлар туманда соғломлаштириш муассасаларини очишни таклиф қилишди.

Учрашувни яқунлар экан, вилоят раҳбари билдирилган таклифлар эътиборсиз қолдирилмаслигини таъкидлади.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.



БУЮК ДАШТНИНГ ЕТТИ ҚИРРАСИ

НОЁБ ТОПИЛМА

ХОЖА АҲМАД ЯССАВИЙНИНГ ЖИЯНИ ЮСУФ ОТА ТАРИХИГА ОИД НАСАБНОМАНИНГ БИР ҚИСМИ ВА МАХСУС МУҲРЛАНГАН ҲУЖЖАТЛАР ТОПИЛДИ

Чигатой тилидаги қўлзманинг узунлиги 3,5 метр. Сақланиш даражаси ўртача. Тарихий экспонатни Юсуф отанинг авлодлари отадан болага мерос қолдириб, сақлаб қолишган.

– Бобом Йўлдошхўжа 1933 йилда «диндор» сифатида қамалган. Марҳум бувим ва отам бу қўлзмаларни гоҳ у ерга, гоҳ чодирнинг бир бурчагига яширишган. Мен тарихчи эмасман. Аммо менга мерос сифатида қолдирилган бу қоғозларнинг бир кун келиб, тарихий ҳужжатга айланишига ишонардим.

Қўлзмада насабнома эмас, тарих битилган экан. Таржимадан билганим шуки, Юсуф ота ҳақида, хоннинг фармонлари, жой ва дарёларнинг номлари, одамларнинг турмуш тарзи ва ҳаётига оид жуда кўп маълумотлар мавжуд. Замонавий Чоға кишлоғи насабномада «Жаға» деб номланган ва иқонликлар ўша пайдан боғдорчилик билан шуғулланган экан.

Шажарада «Икон аҳолиси боғдорчилик билан шуғулланган ва бизнинг Юсуф отамиз бобокалонимиз Хожа Аҳмад Яссавий билан учрашишга келаётган меҳмонларни мевалар, чунончи, узумнинг 12 тури билан кутиб олгани баён этилган. Ушбу тарихий маълумотларни атрофлича ўрганиш – олимларнинг вазифаси, – дейди Саидолим Йўлдошев.

XII асрда умргузаронлик қилган Юсуф ота ҳақида фақат халқ эртақларида озми-кўпми маълумот топиш мумкин.

Афсоналарда айтилишича, Аҳмад Яссавийнинг замондоши, шогирди ва жияни Юсуф

ота авлиё бўлган.


Юсуф ота мақбараси Эски Икон кишлоғида жойлашган. Археолог-олим Марат Туяқбаев у ерда 2005 йилда тадқиқот олиб борган.

– Мақбара икки хонадан иборат бўлиб, жануби-шарқий қисми қабристондир. Бошида (XII аср) бу 4x4 метрли фақат Юсуф отанинг мақбараси бўлган. Кейинчалик, у кенгайтирилиб, уламонинг шогирдлари ва қариндошлари қайта дафн этилган бўлиши эҳтимол. Юсуф ота мақбарасининг катта хонаси дастлаб масжид сифатида эмас, зиёратгоҳ сифатида қурилган.

Бунинг далили – меҳробнинг йўқлиги, – дейди Марат Қимизули.

Хожа Аҳмад Яссавий ҳақида маълумот тўплаш мақсадида «Ҳазрат Султон» давлат тарихий-маданий кўриқхона музейи томонидан ташкил этилган «Яссавий изидан» илмий-маърифий экспедицияси мамлакатимиз ва хорижий давлатларда аллома бобомизнинг меросини излаш ва ўрганишни давом эттиради.

«Ҳазрат Султон» давлат тарихий-маданий кўриқхона-музейининг матбуот хизмати.



УМУМИЙ ТАРИХ – ДАРСЛИКДА

Туркий давлатлар мактабларида «Туркий халқлар умумий тарихи» дарси ўқув дастурига киритилди.

Туркийлар Кенгашига аъзо давлатлар раҳбарларининг ташаббуси билан Халқаро Туркий академияси томонидан «Туркий халқлар умумий тарихи» дарслиги тайёрланиб, чоп этилди.

Дарслик Қозоғистон, Озарбайжон ва Туркия мактаблари ўқув дастурига киритилади. Озарбайжон Фанлар академияси Тарих институти директори ўринбосари Жаби Баҳромовнинг таъкидлашича, туркий халқлар болалари учун умумий бўлган тарих дарслигини яратишда барча халқлар тарихчилари иштирок этган.

«2021 йилда чоп этилган «Туркий халқлар умумий тарихи» факультатив фанини Туркияда 30 минг, Қозоғистонда 15 минг, Озарбайжонда 10 минг ўқувчи танлади. Дарсликда қадимий даврлардан XV асргача бўлган давр қамралган. Рисолада туркий халқлар барпо этган давлатлар тарихи билан бир қаторда уларнинг урф-одатлари, маданияти ва миллий ўйинларининг пайдо бўлиш тарихи хусусида атрофлича маълумотлар берилган», дейилади Академиянинг расмий сайтыда.

Казинформ.

ЛОЛА, ЛОЛАЖОНИМ, ЛОЛАҚИЗҒАЛДОҚ!

ТУРКИСТОНДА ЛОЛАЛАР ФОТОКЎРГАЗМАСИ ЎТАДИ

Туркистонда ўтадиган лолалар фотокўргазмасида вилоятимиздаги барча турдаги лолаларнинг фотосуратлари намойиш этилади.

Шуни таъкидлаш жоизки, яқин келажакда лолаларни нобуд қилган фуқаролар жавобгарликка тортилади. Шунинг учун сиз табиатга ва тоғ ёнбағирларида ўсадиган ёввойи гулларга зарар етказмаслигингиз керак. Бу ҳақда брифингда табиий боғнинг туризм, ҳордиқ ва экологик таълим бўлими бошлиғи Ғани Назарбек маълум қилди.

«Сирдарё-Туркистон» давлат минтақавий боғи ҳудудида ўтган йили 14та ўрмон ёнғинлари қайд

этилди. Бундан ташқари, 300та тезкор текширув ўтказилиб, 152та қоидабузарлик аниқланди.

– Ноқонуний ов қилиш, ўрмон қонунчилигини бузиш ва балиқ жамғармасини муҳофаза қилиш фактлари бўйича 130та маъмурий иш қўзғатилиб, фуқароларга 1 миллион 93 минг тенге миқдорида жарима солинди. Жорий йилнинг бошидан буён 40дан зиёд махсус рейд ўтказилиб, 19та ҳуқуқбузарлик аниқланди.

Минтақавий табиий боғнинг 5та доимий ва 1та муваққат ўрмон ниҳолхонасида ҳозирги кунда 1 742 016 минг туп дарахт кўчатлари парвариш қилинмоқда.

Кўчатзорларнинг умумий майдони 56 гектарни ташкил этади. Боғда Қозоғистон Қизил китобига киритилган тошбақа, архар, ҳинд жайраси каби сут эмизувчиларнинг 46га яқин тури мавжуд. 850 хилга яқин ўсимликлар, шу жумладан, 42таси Қозоғистон Қизил китобига киритилган, – деди Давлат минтақавий табиий парк мутахассиси Қайрат Қарибаев.

Сайёҳлик йўналишидаги минтақавий боғда сайр қилиш, жониворлар ва ўсимликлар олами билан танишиш мумкин, шунингдек, спорт-соғломлаштириш ва кўнгличар муассасаларида ҳордиқ чиқариб, саломатлигингизни мустаҳкамлашингиз мумкин. Ўтган йили боққа 4 мингга яқин киши ташриф буюрди, кўрсатилган хизматлар ҳажмига мувофиқ 1 090 876 тенге минтақавий боғнинг ҳисоб-рақамига тушди.

Туркистон вилоятининг минтақавий алоқа хизмати.



“МАҚТААРАЛ” ФУТБОЛ КЛУБИ ОЛИЙ ЛИГАГА ИНТИЛМОҚДА



– Олдимизда “Мақтаарал” футбол клубини премьер-лигага чиқариш вазифаси турибди, – деди футбол клуби ўйинчилари билан учрашувда генерал Ҳаким Кўшқалиев.

Туркистон вилоят футбол федерацияси президенти, уюшган жиноятчиликка қарши ҳаракатлар департаменти раҳбари Ҳ. Кўшқалиев Мақтаарал тумани ҳокими Б. Асанов билан бирга Атакентдаги “Алпомиш ботир” марказий ўйингоҳида спортчилар билан учрашди.

Футбол федерацияси президенти вилоят ҳокимининг топшириғига биноан футбол ривожига алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Биринчи лигада ўйин кўрсатадиган “Мақтаарал”

яхши кўрсаткичларга эришмоқда. Тажрибали мутахассис Воҳид Масудов мураббийлик қилаётган ушбу жамоа бу йил биринчи лига клублари орасида ўтадиган ҚР биринчилиги олдидан уч босқичдан иборат ўқув машғулотларини ўтказди. Шунингдек, бир неча бор тажрибали жамоалар билан дўстона учрашувларда иштирок этиб, юксак натижаларга эришди. Хуллас, мақтаараллик футболчилар 2021 йилги футбол мавсумига шай.

Мирзакентдаги янгидан таъмирланган Қ. Мунайтпасов номидаги марказий стадионда ҳам учрашув ўтди. Унда нафақат футбол турнирлари, балки маҳаллий футболга оид муаммолар ҳам муҳокама қилинди.

**Вилоят ҳокимининг
матбуот хизмати.**



ҚР Мустақиллигининг 30 йиллигига бағишланади

Туркистон шаҳрининг фахрий фуқароси, газетамиз фидойиси, тадбиркор Дониш Маннотов мамлакатимиз мустақиллигининг 30 йиллигига бағишланган тадбирларни амалга ошириш режаларини баён этди. Хусусан, падари бузруквори, маориф соҳаси фахрийси Дадаш Маннотовнинг 100 йиллиги, шифокор акаси, халқаро миқёсда Туркистон аския терма жа-

моасига сардорлик қилган Эргаш Маннотовнинг 75 йиллиги ҳамда Иқондан чиққан мутафаккир олим Қавмиддин ат Итқоний номидаги мевали боғларнинг тантанали тақдирини ўтказиш тараддудида. 1995 йили Элбошимиз, Тўнғич Президент Н. Назарбаев Эски Иқонга – Дониш Маннотов акаси ва укаси билан яратган “Улуғ қопқа” мажмуасига ташриф

буюриб, Фахрий меҳмонлар китобига ўз миннатдорчилик дастхатини ёзиб берган.

Элбоши, шунингдек, “Улуғ қопқа” ҳудудига мевали дарахт кўчатини ўз қўли билан ўтказган эди.

Ўтган йиллар давомида қишлоқдаги янгидан бунёд этилган мевали боғлар майдони юзлаб гектарга кенгайди. 15 йил муқаддам эса Жанубий Қозоғистон

вилояти ҳокими Ўмирзақ Шўкеев айнан “Улуғ қопқа” мажмуасида боғдорчилик бўйича вилоят семинарини ўтказган эди.

Қишлоқ боғларида етиштирилган сархил мевалар Туркистондан Нур-Султан шаҳрига ҳомийлик автокарвони таркибида Дониш Маннотов ташаббуси билан жўнатилгани ҳам шонли тарих.

Ш. МАДАЛИЕВ.

ВИЛОЯТИМИЗ ГЎШТ ЭКСПОРТИ БЎЙИЧА ПЕШҚАДАМ

Йирик қорамол гўштини экспорт қилишда Туркистон вилояти Республикада 1-ўринда. Ўтган йил якуни бўйича гўшт экспорт қилиш бўйича, Республикадаги улуш 74 фоизини ташкил қилди. Қўй гўшти экспортининг 38 фоизи (491,1 тонна), парранда гўштининг 25 фоизи (2 734,3 тонна) Туркистон вилоятига тегишли. Жорий йилнинг икки ойида хорижий давлатларга 454,5 тонна сигир гўшти, 84 тонна қўй гўшти, 400 тонна парранда гўшти экспорт қилинди.

Бундан ташқари, бултур вилоятдан 39 минг бош қорамол, 18 минг бош қўй, 664 бош йилқи экспорт қилинса, 2021 йилнинг 2 ойи давомида 20 мингдан зиёд қорамол, 18 мингга

яқин қўй, 30 бош йилқи, 15 бош туя экспорт қилинди. Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ютуқлар Саригўч туманида Туркистон вилоятининг ҳокими Ўмирзақ Шўкеев иштирокида ўтган семинарда муҳокама қилинган эди.

ҚР Ҳукумати томонидан 2011 йилда қабул қилинган “Қорамол гўштининг экспорт салоҳиятини ривожлантириш” лойиҳаси “Сибаға”, “Алтин асиқ”, “Қулан” дастурлари минтақада чорвачиликнинг барқарор юксалишини таъкидлади.

Натижада, сўнгги беш йилда чорвачилик соҳасида юксалиш суръати 1,7 баравар ошиб, 303,3 млрд. тенгелик маҳсулот етиштирилди.

Вилоятда чорва молларнинг маҳ-

сулдорлигини ошириш учун қишлоқ наслчилик тадбирларига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бу кўрсаткич бўйича минтақамиз Республикада – 1-ўринда.

Вилоятда йирик қорамол – 1130,0 минг бош, майда мол 4 602,5 минг бош, йилқи – 377,3 минг бош, туя – 34,3 минг бош, парранда – 2218,6 минг бошни ташкил қилади.

Республика бўйича йирик қорамол сонининг 14,4 фоизи, майда молнинг 23,0 фоизи, йилқининг 12,1 фоизи, туянинг 15,1 фоизи минтақамиз улушида.

**Туркистон вилояти
ҳокимининг матбуот хизмати.**

● Обуначиларимиз орасида ФАОЛ МАҚСАД – ФАРОВОНЛИККА ЭЛТАДИ

Чўрноқ қишлоғидаги доимий обуначимиз Дилмурод Қўрғонбоевнинг фарзанди Бекмурод Дилмурод ўғли билан суҳбатимиз янгидан ташкил этилган Саврон тумани, унинг истиқболи хусусида бўлди.

– Сувноқ қишлоғидаги “Қизиласкар” умумий ўрта мактабида таҳсил олдим. Тарбия берган ота-онамга, устозларимга миннатдорчилигим чексиз. Туркистон шаҳридаги Ф. Бимурзаев раҳбарлик қилаётган олий тиббиёт коллежида таҳсил олдим. Айни пайтда Ақтўбе шаҳридаги Қ. Жубанов номидаги университетда иқтисодчи ихтисоси бўйича олий маълумот олмақдаман. Мақсадим – олган билимларимни кадрдон замин, хусусан, Саврон тумани, умуман Ватан тараққиётига бахшида этиб, фуқаролик бурчимни оқлаш. Янги туман ташкил этилиши билан кўшимча иш ўринлари, корхоналар, муассасалар ишга тушади. Биз каби замонавий олий таълим муассасаларини тугатган мутахассисларга табиийки, талаб кучли бўлади, – деди Бекмурод Дилмурод ўғли.

Бекмуроднинг ҳаётда орзу-истак, мурод-мақсадларига етишишига тилақдошимиз.

Ш. МАДАЛИЕВ.



НАВРЎЗДА – ХАЙРИЯ ТАДБИРИ

Сайрам туманининг Қорабулоқ қишлоқ ҳокимлиги ҳамда Сайрам туман бандлик ва ижтимоий дастурлар бўлимининг “Уйда ижтимоий ёрдам кўрсатиш маркази” ДХК ходимлари ташаббуси билан Наврўз байрамига бағишланган хайрия тадбири уюштирилди. Қишлоқдаги “Рамазон” автомобиль эҳтиёт қисмлари савдо маркази раҳбари Зокир Мадикаримов ҳомийлик қилган мазкур тадбир давомида “Адал-Кемек” хайрия жамғармаси раҳбари Бобуржон Ҳасантоев ва мазкур муассасанинг ходими Илҳомжон Абдукаримов бир неча ногирон фуқароларнинг хонадонига ташриф буюриб, уларга совға-саломлар улашдилар.



Қорабулоқ қишлоғи ҳокими М. Шодиев, туман бандлик ва ижтимоий дастурлар бўлими раҳбари А. Узоқов, Туркистон вилоят ижтимоий тараққиёт бошқармаси Сайрам туман филиалининг “Жамоат тотувлиги” муассасаси раҳбари Б. Айтбаев тадбир ташаббускорларига миннатдорчилик билдиришди.

З. МҮМИНЖОНОВ.

Тасвирда: тадбирдан лавҳа.

Юртимизда мустақиллик йилларида «Маданий мерос» дастури доирасида 270га яқин тарихий ва маданий ёдгорликлар тикланди.

2020 йилда вазирликлар томонидан 24та меъёрий ҳужжат қабул қилинди. Қозоғистон Республикасининг янгилашган «Тарихий ва маданий мерос иншоотларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида» Қонунининг ижроси доирасида Маданият вазирлиги томонидан қабул қилинган қатор ҳужжатлар, тарихий ва маданий мерос иншоотларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни таъминлаш бўйича чора-ларни кучайтириш масаласини тартибга солишга қаратилган.

Шуни таъкидлаш жоизки, Эл-боши Нурсултан Назарбаевнинг ташаббуси билан 2004-2011 йилларда ишлаб чиқилган «Маданий мерос» давлат дастури юртимиз тарихидаги дастлабки

самарали инсонпарварлик ҳаракатига айланди. Бугунги кунга қадар маҳаллий аҳамиятга молик тарихий ва маданий ёдгорликлар рўйхатига 11 мингдан зиёд, республика аҳамиятидаги – 250 ва халқаро аҳамиятга эга бўлган 10та иншоот киритилган. Бу Х. А. Яссавийнинг (2003) мақбараси ёдгорлиги, петроглифлар (2004) ва 8та археологик ёдгорликлар (Талғар, Қарамерген, Қаялик, Ақиртас, Қулан, Мерке, Ўрнек ва Қўстўбе) ЮНЕСКОнинг Жаҳон мероси рўйхатига киритилган. Сўнгги йилларда бешта давлат музей-қўриқхонаси ташкил этилди:

«Иссиқ» (2010) – Алмати вилоятида, «Берел» (2008) – Шарқий Қозоғистон вилоятида, «Бўтай» (2018) – Шимолий Қозоғистон вилоятида, «Сарайшиқ» (2018) – Атирау вилоятида ва «Бўзоқ» (2018) – Нур-Султан шаҳрида. «Ўтрау», «Таңбалы» ва «Ўлытау» музей-қўриқхоналарининг ташриф марказлари биноси қурилиши якунланди.

Яқин йилларда «Есік», «Ордабасы», «Ҳазрат Султон», «Берел» ва «Сарайшық» музей-қўриқхоналарида ташриф марказларини барпо этиш режаланган.

24 kz.



ТУРКИСТОН СИРЛАРИ

ЁКИ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТЛАР НАТИЖАСИ

Минтақамиздаги қадимий обидалар, муқаддас зиёратгоҳлар ва маданий ёдгорликлар зиёрат туризмни жадал ривожлантириш имконини беради.

Кул тепа (Ясси)

Чет эллардан келган сайёҳлар Қозоғистоннинг энг мухташам тарихий ёдгорлиги, Амир Темур қурдирган Ҳазрат Аҳмад Яссавий мақбарасини зиёрат қилишади, Робия Султон бегим, Есим хон қабрлари, ҳаммом ва бошқа иншоотларни кўришади. Кул тепа (Ясси)га боришади. Нега? Нима учун Кул тепа харобаси муқаддас жой деб ҳисобланади? Фақат XVIII асрда бийлар учрашадиган жой бўлгани учунми?



Йўқ, у азалдан муқаддас эди, чунки Зардуштийлик дини пайғамбари Зороастр (Зардушт) миллоддан аввалги II минг йилликда оқ туяси билан Кул тепанинг устида турган. Бу Орилар-Турон (Ариан-Турон) даври! У даврда Кул тепада кичик шаҳарча бор бўлиб, унинг номи Ясси бўлган. XVIII аср ўрталарида Россиянинг қозоқ саҳросидаги сиёсатига масъул бўлган кишилардан бири П. И. Ричков: «Биз шуни айтишимиз керакки, Туркистон ва унинг атрофлари қадимийлиги жиҳатидан ҳаммасидан энг қадим ҳисобланади, чунки Туркистон шаҳри татарларнинг тарихий асарларида Бухоро шаҳридан анча аввал қурилганлиги айтилган, қадимги даврларда ҳокимият шу шаҳардан бошланиб, бутун Осиёга тарқалган дейилади... Қадимги

даврларда улар ушбу минтақани Ясси деган ном билан аташган, у Туркистондан ҳам кўҳна дейилган.

«Қирқ қопқали Қорачиқ»

Қозоқ йилномаларида «Қирқ қопқали Қорачиқ» деган сўз бор, бу ҳам Туркистон сиридир, энди бу жумланинг ечимини топиб кўрайлик. Бир пайтлар Марказий Осиёнинг энг йирик шаҳри бўлган Бухоронинг ўн та дарвозаси бор эди. Тошкент шаҳри эса Сирдарё бўйидаги қалъаларнинг энг каттаси, иқтисодий-сиёсий ҳаёти жиҳатидан ҳам етакчи минтақалардан бўлиб, уни қозоқлар «беш қопқали Тошкент» деб аташган. Туркистонда 40та қопқа (дарвоза) бўлиши мумкинми? Қоратоғнинг

лар даврига бориб тақалади! Биз Қорахонийлар тараққиётининг давомчиларимиз! Саврон қадимги даврларда қудратли шаҳар бўлган, буни Қорахонийлар даврида буюк савдогарлар ва ўнлаб олимлар яшаган тепаликнинг қизил гиштли деворлари тасдиқлайди!

1582 йил апрелда деярли бутун Туркистон минтақаси Абдуллох хон тайинлаган Бухоро ҳокимлари ва кўшинларининг босқинига қарши исён кўтаради. Туркистондаги кўзғолонни шариат қонунлари мутахассиси қози Фариддин бошлаган. Туркистон ҳудудида қолган Абдуллохнинг кўшини Сўре қалъаси четиде маглубиятга учрайди ва Қоратоғ бағрига яшириниб олади. Туркистондаги ғалабадан руҳланган Саврон ҳам ўз дарвозаларини ёпади. Хон қаҳри туфайли тинч битимга келган Сайрам қалъаси ҳам қайта исён кўтаради...

Ушбу жанглар пайтида Саврон шаҳри жиддий зарар кўрди ва Абдуллох хоннинг кўшинлари томонидан ўққа тutilди. Шунинг учун, аҳолиси бироз ўзига келгач, кўрғон деворларини паҳсадан кўтарди.

Сиғаноқ-Сувноқ феномени

Сиғаноқ шаҳри Хитой, Ҳиндистон, Европа ва Буюк дашт ўртасидаги асосий савдо йўлида жойлашган шаҳар бўлиб, Қосим хон даврида бу ерга келган Фазлаллаҳ ибн Рузбиханнинг фикрлари аҳамиятга молик. У мазкур шаҳарда якшанба кунлари кабоб учун 500 туя сўйилганини, кечқурун битта гўшт бўлаги ҳам қолмаганини айтади.

Қарноқ -Қара нақ сирлари

Сиғаноқдан Қарноққа ер ости йўллари орқали бориш мумкин бўлган. Қозоқ хонлиги даврида турли фанлар мутахассислари, элчилар, табибларни тайёрлайдиган олий ўқув юрлари шу ерда бўлган (Шамет ота масжиди ва мадрасаси, Бухар жираву, Шўртанбай хўжа мактаблари). Қарноқ қабристонидеги қадимий кўк тошлар, қадимий ёзувлар, дошқозон ҳам Қарноқда тайёрланган. Қарноқ – бу Қоратоғ ёнбағридаги шаҳар деган маънони англатади.

Яна бир қизиқарли факт шундаки, Франциянинг Бретань минтақасида Қарноқ ибодатхонаси мавжуд. Худди шундай муқаддас даргоҳ Мисрда, Нил дарёси бошидаги Луксорда ҳам мавжуд. Қарноқнинг руҳонийлари ўша ерларга қадимги даврларда, аҳтимол, ҳатто ориилардан олдин ҳам борган деб айтиш мумкинми? Албатта, мумкин!

Иқон – ўғиз даври тили ва маданияти ёдгорлигидир

Иқон қалъаси – сарт-ўзбек маҳалласи. Эски Иқондаги ма-

Қорачиқнинг маркази! Ясси – маънавий марказ, Қорачиқ – иқтисодий марказ бўлган! Барчаси Туркистон деб аталган!

Етти Нақ ва ер ости йўллари Туркистон атрофидаги шаҳарлар орасида ер ости йўллари бўлган. Етти Нақ – Қарноқ (Қоратоғнинг нақ ёнида), Сувноқ – Сунақ (Сирдарёнинг нақ ёнида), Тошанақ (тошнинг нақ ёнида) ва ҳоказо. Чўбаноқ, Чўрноқ, Югнак.... «Нақ» сўзи – жуда қадимги сўз!

Бу шаҳарчалар ёнида эски кўрғонлари ҳанузгача сақланиб



қаллалар сақланиб қолса, яхши бўларди! Иқон тили (шева) жуда қизиқарли ҳодиса бўлиб, у ўрта асрлардаги ўғуз тилининг ўзига хос хусусиятларини ҳанузгача сақлаб қолган.

Кариз қишлоғининг сирини мадада?

Туркистон шаҳри яқинидаги Кариз қишлоғининг сирини мадада? Кариз – қадимий оқова қувурлари тизими ўрни. Майдонбулоқнинг суви Туркистонга кариз – улкан қудуқлар орқали ер ости йўллари ёрдамида етган. Каризда хонлар учун дам олиш жойлари бўлган, қудуқлар олдида ўтовлар тикланган, унинг ёнида Бақ жаҳон деган қалин чакалакзор, Бозорлик номли савдо ўринлари мавжуд бўлган.

Қорачиқ қалъаси

Қорачиқ қалъаси – 40 қопқали

қолган.

Қорахонийлар даври – Яссавий мероси

Аҳмад Яссавийнинг хилватда ўтирган пайтида ер ости йўли орқали Сайрамга бориб келиши мумкин бўлган. Қорахонийлар даврида яшаган буюк уламолар Маҳмуд Қошғарий, Юсуф Бола-соғунийлар серқирра ижодида бу ҳақда айтади.

Ҳа, Туркистон сирлари шу тарихи бир-бирига тутшиб, бизни энг қадимги Орилар-Турон даврига, сўнг Қорахонийлар замони-га етаклайди, лекин мана шу сир-тилсимларнинг калити – Ҳазрат Султонда!

Жамбил АРТИҚБАЕВ,
Л. Гумилёв номидаги ЕМУ
профессори, академик,
тарих фанлари доктори.



Сайрамнинг биринчи тўбебийи



Наврўз байрамида қариндош-уруғ, қўни-қўшини, қолаверса, ҳалол меҳнати билан элга танилган нуроний отахону онахонларни йўқлаш, уларнинг ҳолидан хабар олиш – миллий қадриятларимизнинг ажралмас қисми.

Меҳнат фахрийси, узоқ йиллар Сайрам диёрида фахрийлар Кенгашининг раиси ва қишлоқ тўбебийи бўлган Қувонч ота Абдураҳмонов(тасвирда)нинг табарруқ хонадонига таширфимнинг сабаби ҳам шу эди...

Қувонч ота 1934 йилда таваллуд топиб, улгайгач, қатор йиллар ҳайдовчи, автодўконда сотувчи бўлиб ишлаган. Нафақага чиққач, жамоат ишларида фаолият юритиб, қишлоқдаги кўплаб ижтимоий муаммоларни ҳал этишига камарбаста бўлди. У қарийб 20 йил мобайнида Сайрам қишлоқ ҳокимлиги билан елкама-елка, эл равнақи йўлида самарали меҳнат қилди.

туман ва қишлоқ ҳокимлари, вилоят ва туман маслаҳатларининг депутатлари, давлат хизматчилари, шунингдек, жамоат ташкилотларининг фаоллари билан биргаликда ҳал қилдик.

Уша йилларда А. Яссавий ва З. Ҳусанов номли ИЧШ раҳбарлари билан бамаслаҳат амалга оширилган ижобий тадбирлардан

қилинди. Буюк Ғалабанинг 60 йиллиги арафасида бу муқаддас ёдгорлик қайта таъмирланди. Шунингдек, кўш қаҳрамонимиз З. Ҳусанов ва Б. Содиқовга бюст ўрнатилди. Бу жойда кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишлари олиб борилди.

Уша пайтда Сайрам қишлоқ ҳокимлиги фаолларининг этиборида турган асосий масалалар қаторида ёш оилалардаги ажрашиш ҳолларини таъкидлаш жоиз. Абдуҷамил Абдураҳмонов, Файзаҳмад Нурметов, Клара Тошметова, Каримқул Пўлатбоев, Қурвонбой Шамшиметов, Айша Тўламетова, Сайдазим Мадазимов, Нурбуви Имомсаидова, Тамара Ботирхонова, Бахтиёр Юсупов каби жонқуярларнинг саъй-ҳаракатлари натижасида қишлоқда бундай воқеаларнинг сони анчагина камайди.

Тадбиркор Берганбой Худойбергенов ҳомийлигида Сайрам марказида Белиқоққа дарвозаси ўрнатилди. Шунингдек, қишлоқ ҳудудидаги муқаддас қадамжолар таъмир-



бири бу – УВУ иштирокчиларига ҳар йили бир машинадан ем-хашак, 200 килограммдан бугдойни бепул тарқатдик.

«Қизилсув» даҳасидаги собиқ Ленин номли жамоа хўжалигининг дам олиш маскани анча вақтдан буён қаровсиз аҳволда қолганди. Кимлардир уни хусусийлаштирмоқчи ҳам бўлди. Лекин бунга қаршилик билдириб, ушбу маскани фахрийлар учун «Мейёр» дам олиш уйига айлантиришга эришдик.

Турли йилларда Сайрам қишлоғидан ҚР Парламент Мажлиси ҳамда вилоят масалаҳатига депутат бўлиб сайланган Сотиболди Ибрагимов, Абдурашид Ҳамраев ва Ҳайитмат Дўсметовнинг номини алоҳида тилга олмоқчиман. Улар сайрамликлар учун бел боғлаб хизмат қилишди.

Чунончи, Ҳайитмат Атоий номли мактаб ёнидаги хусусийлаштирилган болалар боғчасини мазкур ўқув даргоҳига қайтарилишига ташаббускор бўлди ва бу вазифани шахсий маблағи ҳисобидан амалга оширди. У М. Мамедова ва Ҳамза номли мактабларга спорт зали қурилишига ёрдам кўрсатди, шунингдек, Сайрам ва Бодом қишлоқларини боғловчи йўлни таъмирлаш ва уни асфальтлашда бош-қош бўлди.

Сайрам қишлоғи марказида савлат тўкиб турган УВУ қатнашчиларининг хотирасига ўрнатилган «Номаълум аскар» ёдгорлиги деворига жанг майдонидан қайтмаган 470 нафар ҳамюртларимизнинг исм-шарифи зарб

ланди.

...Қувонч отанинг хотиралари яқин ўтган тарихимизнинг бир қисмигина, холос. Лекин арзимасдек кўринган бу ишлар замирида катта жасорат ва матонат зоҳир. Зеро, мутассади ташкилотларга мурожаат қилиб, камчиликларни рўй-рост айтиш ва бирон натижани талаб қилиш учун кишида метин ирода ва жасорат бўлиши керак. Мана шу хислатлар Қувонч отанинг эл орасидаги обрў-этиборини янада оширган эди.

Отаҳоннинг жамоат ишларидаги фаолияти ҳамда кўп йиллик самарали хизматлари муносиб баҳоланди. У «ҚР Мустақиллигига – 20 йил» юбилей медалли, ҚР Президентининг «Қўрмет грамотаси», «Nur Otan» партияси, вилоят ҳокимининг фахрий ёрлиқлари, «Улуғ Ватан урушидаги Ғалабага – 60 йил», «Улуғ Ватан урушидаги Ғалабага – 65 йил», «Елеули еңбегі үшін» медаллари билан тақдирланган. У «Сайрам туманининг фахрий фуқароси», вилоят «Йил одами» ва «Намунали қишлоқ бийи» номинацияларининг соҳиби бўлган.

Қувонч ота билан хайрлашар эканман, у сайрамликларнинг ҳалол меҳнати, яхши ахлоқ-одоби ва жўяли тарбияси билан бошқаларга ибрат ва намуна бўлиб келганликлари ва бу билан ҳаммиша фахрлигини алоҳида таъкидлади.

З. МҲМИНЖОНОВ.

САЛОМАТЛИКНИ САҚЛАШ ЙЎЛИДА

Саломатлик ҳар бир инсоннинг, умуман, бутун инсониятнинг инкор этилмайдиган қадрияти. Унга баҳо беришда, инсоният учун ўта хавфли тафсифга эга ижтимоий тараққиётнинг салбий жиҳатлари ва ўзгаришлари, табиат ва экологик вазиятнинг ёмонлашувига оид техноген таъсирларни назардан қолдириб бўлмайди.

Silkway халқаро университетидеги учта тиббиёт пунктида малакали ходимлар фаолият юритмоқда.

Улар университетнинг таркибий қисми бўлиб, тиббий фаолият юритишга рухсат берадиган лицензия ҳамда қуйидаги ҳужжатлар асосида ишлайди:

Қозоғистон Республикасининг амалдаги қонунлари;

Университетнинг меъёрий ҳужжатлари;

Соғлиқни сақлаш соҳасида аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишни ташкил этиш бўйича меъёрий ҳужжатлар;

Университет низоми ва ички тартиб қоидалари.

Тиббиёт пунктининг асосий вазифаси дастлабки тиббий ёрдам кўрсатиш ҳамда профилактик чоратадбирларни амалга оширишдир.

Тиббий хизматлар кўрсатиш учун у қуйидаги хоналарга эга:

Бемор қабул қилиш ва тиббий ёрдам кўрсатишга мўлжалланган хона;

Тиббий муолажалар хонаси.

Университет тиббиёт пунктларини тегишли моддий-техника базаси, тиббиёт ускуналари, дори-дармон ва бошқа дастлабки тиббий ёрдам кўрсатиш учун зарур воситалар билан таъминланган.

Унинг асосий мақсади талабалар ва ходимларга сифатли тиббий хизмат кўрсатиш.

Университет талабалари шаҳар шифохоналарига бириктирилган.

“Тиббиёт профилактикаси – келажак тиббиёти”, деган эди XIX асрда машҳур рус шифокори Матвей Мудров.

Бугун биз ушбу сўзларнинг тўғри эканлигига аминмиз.

Айни пайтда пандемия сабабли Silkway халқаро университетидеги ҳам санитария-эпидемиология тартибига қатъий риоя қилинмоқда ва карантин чекловлари эълон қилинган пайтда илм даргоҳининг бехатар фаолият юритиши учун барча тегишли шартшароитлар мавжуд.

И. АҲМЕДОВА,
Silkway халқаро
университетининг
тиббиёт ходимаси.

● Муштарийларимиз орасида

Янгидан ташкил этилган Саврон тумани маркази Чўрноқ қишлоғига навбатдаги ташрифим чоғида нафақадаги устоз, қишлоқ ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси, Туркистон вилоятининг ибратли фуқароси Қурбонбой Ирисбеков ҳамда унинг умр йўлдоши, нафақадаги устоз Шарифа Мирзахмад қизи (тасвирда) билан суҳбат қурдим.



ЭЛЛИК ЙИЛДА — ЭЛ ЯНГИ

— 1956 йилга қадар қишлоғимиз М. В. Фрунзе номидаги туман маркази бўлиб келган. Қишлоғимиз ўртасидан кесиб ўтувчи халқаро темир йўлдан Москва — Фрунзе, Москва — Тошкент ҳамда Москва — Алмати каби тезюзар поездлар кўп ўтарди. Мана, эллик йилда эл янги, деганларидек, ҚР Президенти Қ. Тўқаев Фармони билан 12та қишлоқ округини ўз тасарруфига олган Саврон тумани ташкил этилиб, Чўрноқ қишлоғи унинг марказига айланди. Бундан бехад мамнунмиз ва эндиликда барча қишлоқлар каби туман маркази ҳам тараққий этишига ишончимиз комил.

Туркистонга келаётган кўп миллионли зиёратчилар бизнинг ҳудуд орқали Саврон эски шаҳарчаси зиёратгоҳига боришади. Бу эса маҳаллий ҳудуд тараққийти учун улкан аҳамиятга эга. Зиёратчиларга озиқ-овқат, транспорт, меҳмонхона, гид каби хизмат турларини маҳаллий аҳоли амалга оширади, — деди Қурбонбой Йўлдошбой ўғли.

Бири физика-информатика, бири ўзбек тили ва адабиётидан ёш авлодга таълим-тарбия бериб нафақага чиққан, бугунги кунда кексалик

гаштини фарзандлар ва 13 нафар ширин-шакар неварани даврасида сураётган ушбу ибратли устозлар 43 йил муқаддам оила қуришган. Уларнинг қобил фарзандлари Улуғбек, Маъмура, Нигора, Ирода, Жаҳонгирлар ота-онаси изидан бориб, заҳматли ўқитувчи-устозлик касбини эъзозлашди, Туркистон шаҳри ва Чўрноқ қишлоқ мактабларида самарали меҳнат қилишмоқда. Ҳам иззатда ҳам хизматдаги Эъзола, Муҳаммадали, Дамин, Икром, Дилрабо исмли кўёв-келиндар ҳам устозлик ва тadbиркорлик жабҳасида меҳнат қилиб, эъзоз топишмоқда.

Қаноат, меҳнат, каттага ҳурмат, кичикка иззат, эл бирлиги ва тотувлиги, давлат сиёсати, ёш авлод олдидаги масъулият, она тилимиздаги “Жанубий Қозғоғистон” вилоят ижтимоий-сиёсий газетасига жонқуярлик каби фазилат ва бурчларни муқаддас билиб, умргузаронлик қилаётган Ирисбековлар сулоласи муштарийларимиз сафини йилдан йилга кенгайтирмоқда.

Ш. МАДАЛИЕВ.
Муаллиф тасвири.

● Соҳибқирон Амир Темур таваллудига — 685 йил

АМИР ТЕМУР НОМЛИ МАКТАБДА

Жорий йил 9 апрель куни тарихий шахс, соҳибқирон Амир Темурнинг таваллудига 685 йил тўлади. Туркистон шаҳридаги Амир Темур номли мактаб директори Рўзибой Юсупов билан мулоқотимиз чоғида мактаб раҳбари ҳозирги карантин чоралари туфайли мактабда Амир Темурга бағишланган

тадбирлар ҳафталик тарзда — апрель ойининг биринчи ўн кунлигида устозлар ва ўқувчилар иштирокида ўтказилишини маълум қилди.

Туркистон шаҳрининг фахрий фуқароси Обиддин Фахриддинов ушбу қутлуғ санага бағишлаб Амир Темур монологини ифодали ўқишга пухта ҳозирлик қўр-

ганлигини таъкидлаш жоиз. Шонли тарихимиз, маънавиятимизга ҳурмат бобида ёшларга ҳар томонлама ўрнатилган нуронийларимизнинг фахрли вакили Обиддин Фахриддиновнинг ташаббуси таҳсинга лойиқ.

Ш. МАДАЛИЕВ.

● Хушxabар

ЭНГ БИРИНЧИ БАХТИМ — ХАЛҚИМ МЕНИНГ!



Жорий йилнинг январь-март ойларида Алмати шаҳридаги “Самгау” хайрия жамғармаси ташаббуси билан республика миқёсида “Энг биринчи бахтим — халқим менинг!” мавзуида ўтказилган онлайн санъат танловида “Эски Иқон” Маданият уйи, шунингдек, “То-жинисо она”, “Аққу”, “Орзу”, “Саломат” ва “Онажон она” болалар боғчаларининг 70га яқин тарбияланувчилари иштирок этди. Танловга хореография, бадий сўз, тасвирий ва амалий санъат, вокал жанрлари бўйича жами 51 видеоларва йўлланди.

Беллашув натижасига кўра, 3 нафар иштирокчи олий ўрин, 9 иштирокчи биринчи ўрин, 37 иштирокчи иккинчи ўрин ва 2 иштирокчи учинчи ўринни қўлга киритишди. Болаларни танловга тайёрлаган қирққа яқин тарбиячи ташаккурномалар билан тақдирланди. Жумладан, “То-жинисо она” боғчаси тарбиячиси Гулфина Азиззонова ва “Онажон она” боғчаси тарбиячиси Дилноза Комилова “Шығармашыл ұстаз” кўкрак нишонига сазовор бўлдилар.

Мазкур танловда қат-

нашган мактабгача тарбия муассасаларининг раҳбарлари ва масъул ходималари Насиба Йўлдошева, Муслима Абдулатторова, Ирода Муҳаммаджонова, Назокат Маннотова, Гавҳар Қўчқорова, Камола Маннотова, шунингдек, “Эски Иқон” Маданият уйи директори Хуршид Шаропов “Ўздік ўстаз” кўкрак нишони билан мукофотландилар.

Ирода
МУҲАММАДЖОНОВА.
Эски Иқон қишлоғи.
Тасвирда: танлов иштирокчилари.

Дадам икки кундан буён Қашқа отини кўпқарига тайёрлапти.

— Уста чавандозларга аўшаб, тинмай қолдингизку, раҳбар одам бўлсангиз, укаларингиз тенгилар билан ўртага тушишга уялмайсизми? — дейди онам..

— Биринчидан, раҳбар ҳар ишда барчага ўрнатилган бўлиши керак, иккинчидан отни яхши кўришимни биласанку. Кўпқарига тушсам, кўпчилик қатори мен ҳам насибага илинганини сенга олиб келаман, — дея жавоб беради дадам.

— Ўтган йилгидегидек, ҳамма ёгингиз кўкариб келса, ўзингиздан кўринг.

— Э, ойиси от устида ўтиришнинг гашти бошқачада, буни от минганлар билади, сен нимани билардинг.

Дам олиш куни ҳам келди. Дадамнинг ҳайдовчиси ойим ва биз — болаларни кўпқарига олиб борди.

Ям-яшил қир-адирларда олпоқ ўтовлар тикланган, миллий либосдаги момолар ўчоқда бўғирсоқ пиширмоқда. Оқ рўмол ўраган янгалар болаларни ўчоқ атрофидан ҳайдашяпти. Барчанинг юзида таббасум, ҳамма хурсанд.

Бизларни завод ишчилари кутиб олишди.

— Янга, аҳволларингиз қалай? Бугун мисли кўрилмаган кўпқарининг гувоҳи бўламыз. Оғамнинг отини кўрдигизми, қамчи босса



учай деб турибди, бош соврин бугун уники бўлади шекилли... — дейди Зият оға ойимга ҳазил-чин аралаш.

Мақтовлардан онамнинг энсаси қотгани юзидан кўриниб турарди. Ойимга дадамнинг кўпқарида қатнашиши ёқмайди, ўзини майиб қилиб кўядими, деб, қаттиқ қўрқади. Етти-саккиз йилдан буён мусобақаларда иштирок этадию, бирон марта бош совринни қўлга киритган эмас. Аксига олиб, ҳар гал улоқдан сўнг бир неча кун ҳамма ёғи кўкариб келиб, онамни бироз ташвишга қўяди.

Ана, дадамнинг қора Қашқаси. Пешанасидаги беш юлдузи олпоқ бўлиб кўриниб турибди. Ёнида қўшнимиз Алтинбек оға ҳам мусобақага шайланиб турибди.

Кўпқари бошлангунча гул тегиб келайлик, деб, ойимга айтиб, қир-адирларни оралаб кетдик. Ўйин авжига чиққан пайтда қайтиб келдик.

— Ойи ана дадам, қулоқчини қийшайиб қолибди, чарчаганга ўхшайди, юзлари ҳам қорайиб кетибди, — дейман онамга бидирлаб.

...Дадам билан онам бор-йўғи

ўн бир йил ҳаёт кечиришди. Улар ўз даврининг зиёлилари эдилар. Ойим дадамнинг иззатини жойига қўярди, дадам ҳам ойимни ҳурмат қиларди.

Ҳали ҳануз ёдимда, дадам пойтахтга, хизмат сафарига отланди.

— Сенга нима олиб келай, — деб, ойимдан сўради.

— Ўзингиз соғ-омон келсангиз — шу менга катта совға.

Отам раҳматли биринчи аёли билан саккиз йил турмуш қуришган экан. Лекин фарзанди бўлмай, отам у билан ажрашиб, онамга уйланган экан. Мен туғилганимда дадам қариндошларга, ёру дўстларга, қўни-қўшниларга зиёфат берган эканлар.

Нимани истасам, ҳаммасини муҳайё қиларди. Ҳатто Москвадан келтирган ўзи юрар қўғирчоғим ҳам бўларди.

1980 йилда дадам фожиавий тарзда вафот этди. Мана шунга ҳам қирқ йилдан ортиқ вақт ўтибди.

Ота-онамни кўпчилик ҳурмат қиларди. Уларга ҳавас билан қарашарди, гап-сўзлари, эзгу ишларини ҳали-ҳануз яқинларимиз, қариндошларимиз гурур билан эслашади.

Саодат МҲМИНБОЙ қизи.

● Тadbиркорлик – давр талаби

Чўрноқ қишлоқ округидаги фаол муштарийларимиз ҳамда Чўрноқ ва Сувноқ қишлоқ ўзбек этномаданият бирлашмалари раҳбарлари, Туркистон вилоятининг ибратли фуқаролари Қурбонбой Ирисбеков ҳамда Иқбол Абишев билан мебель маҳсулотлари кўргазмаси залида учрашдик.

БАХТ-ИҚБОЛ — МЕҲНАТДАН КЕЛАДИ

Қурбонбой Ирисбеков “Жанубий Қозоғистон” газетасига обунани уюшқоқли ташкил этиш хусусидаги тахририятнинг Туркистон ва Кентов бўлими томонидан қабул қилинган Мурожаат ҳақидаги доимий обуначиларнинг фикр-мулоҳазалари билан қизиқди. Фидойи жонкуярларимиз, “Қизиласкар” мактабидан тажрибали устоз Валихон Раметов, тadbиркор деҳқон Ражаб Кариев, асфальт корхонаси мутасаддиси Зокир Алимов давлатимиз сиёсатини она тилида халққа етказётган, 30 ёшга тўлаётган нашрни ҳар қачонгидек қизгин қўллаб-қувватлашини маълум қилишди. Обунага ҳали ҳисса қўшмаган тadbиркорлар ва фаоллар билан ишлаш зарурлиги таъкидланди.

Иқбол Абишев УВУ ва меҳнат фахрийси, 12 фарзанд тарбиялаб, вояга етказган пири бадавлат Ҳабибулла отанинг кенжа ўғли. “Ҳабибулла

ота” хусусий мебель корхонасини очиб, ўнлаб ҳамқишлоқларини иш билан таъминлаган тadbиркор.

Бугунги кунда бу ерда 63 турдаги сифатли жиҳозлар ишлаб чиқарилмоқда. Корхона маҳсулотлари Шимкент ва Қизилўрда вилоятларида ҳам харидорғир. Зеро, сифатли маҳсулотга юртимизда талаб юқори.



Ҳисобчи Шуҳрат Иброҳимов Бекмурод Дилмурод ўғли билан бизни корхона янгиликлари билан таништирди. Бу ерда ётоқхона, ошхона жиҳозлари, шкаф каби турли мебельлар 200 минг тенгедан 400 минг тенгегача харидорларга мақбул баҳода сотилмоқда.

Иқбол Ҳабибулла ўғли раҳбарлик қилаётган корхонада “Жанубий Қозоғистон” обуначилари сафи кенгайишига ишонамиз.

Ш. МАДАЛИЕВ.
Муаллиф тасвирлари.



“ИМПЕРИАЛ” МАЖМУАСИ ОЧИЛДИ

Доимий обуначимиз, матбуот, маданият, маърифат ва она тилимиз жонкуяри, Эргаш Иззатуллаев номли мактабнинг собиқ раҳбари Дадахон Жапилов билан мулоқот чоғида фарзандлари саъй-ҳаракати билан Туркистон шаҳрида “Империал” мажмуаси бунёд этилиб, ишга туширилганини ифтихор билан маълум қилди.



Мазкур муҳташам, давр талабларига мос барпо этилган мажмуада элга таниқли моҳир ошпазлар мазали таомлар тайёрлайдиган умумий овқатланиш шахобчаси, рўзгор буюмлари ҳамда болалар дўконлари мавжуд.

Бу ерда 20га яқин янги домий иш ўринлари очилган. Келгусида бу кўрсаткич ошиб боради. Ўз навбатида эса Қозоғистон Республикаси Мустақиллигининг 30 йиллиги тантанали нишонланадиган жорий йилда мижозларга сифатли хизмат кўрсатишни мақсад тутиб фаолиятини бошлаган “Империал” мажмуаси ходимлари 30 ёшга тўлаётган она тилимиздаги қадрдон “Жанубий Қозоғистон”нинг янги муштарийлари сафини тўлдиришига ишонамиз.

Ш. МАДАЛИЕВ.
Муаллиф тасвири

ЗАКОВАТЛИ МИЛЛАТ

Китоб – ақл машъали

Бугунги тараққий этган замонимизда ёш авлоднинг билим олишга, яъни китоб ўқишга иштиёқи қандай? Таълим масканларида ўқиётган ёшларимиз китоб ҳақида қандай тушунчага эга бўляптилар?

Ушбу саволларни ёшларга, яъни ўқиётган фарзандларимизга беришдан аввал ўзимиз мушоҳада қилсак, мақсадга мувофиқ бўларди.

Илм инсонда ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Камолот ва илмга ҳеч бир одам бирдангина эриша олмайди. Ундаги тафаккур, инсоний фазилатлар, иқтидор, ижобий хулқ ва хусусиятларнинг шаклланиб, ривожланиб боришида бадиий, тарихий, сиёсий китобларнинг мутлолааси муҳим аҳамиятга эга

Китоблар инсон аклини чарқлайди, фикрини бойитади, дунёқарашини кенгайтириб, билимини теранлаштиради. Мутлола инсон қалбига ором бағишлайди, оғир дамларда йўл-йўриқ кўрсатади, маслаҳат беради. Китоблар туфайли ўқувчи беихтиёр унда юз бераётган воқеалар иштирокчисига айланади.

Қадимги араб мутафаккири айтишича, “Китобда шундай фазилатлар борки, унинг гаплари одамга ҳеч қачон малол келмайди. У боримизда ҳам, йўғимизда ҳам ишончли-садокатли суҳбатдошир”.

Китоб инсоннинг содиқ дўсти, маслаҳатгўйи, биродари, меҳрибон қадрдони ҳамдир. Илм манбаи, одоб-ахлоқ кони бўлган китоб инсоннинг зеҳнини ўткирлаштиради, завқини оширади, ҳозиржавоб қилади. Шунинг учун “китоб – ақл машъали”дир.

Зулайхо НУРЖОНОВА,
А. Навоий номли 13-сонли
гимназия мактаби ўқитувчиси.
Туркистон шаҳри.

ЎРГАНИШ ВА ИЗЛАНИШ САМАРАСИ

Солиҳабону Ҳавасхонова Туркистон шаҳридаги Алишер Навоий номли умумий ўрта мактабнинг 10-синфида аълочи ўқувчи.

Мактаб директори Ҳикматулла Ажиметов қатор халқаро танловлар ғолиби Солиҳабонунинг Элбоши медали лойиҳасидаги танловда фаол иштирок этиб, Туркистон шаҳри бўйича ғолиб чиққан саноқли ўқувчилар сафида эканлигини ифтихор билан маълум қилди. Солиҳабону Авазхонқизига Элбошининг бронза медалини Туркистон шаҳри ҳокими Рашид Аюпов топширади. Мукофот муборак!

Ш. МАДАЛИЕВ.

Директор-Бош муҳаррир учун – Муроджон АБУБАКИРОВ.

Бош муҳаррир
ўринбосарлари:

Муроджон АБУБАКИРОВ.
Авазхон БЎРОНБОЕВ.

Масъул котиба –
Шаҳноза УСМОНОВА.

Масъул шахслар:

Туркистон, Кентов — Шомирза **МАДАЛИЕВ.** 8(72533) 2-40-07.
Тўлебий — Баҳорой **ДЎСМАТОВА.** 8(72547) 6-07-16.
Қазигурт — Хуршид **ҚЎҚОРОВ.** +7-701-447-37-42.
Сайрам — Мухтабар **УСМОНОВА.** +7-707-257-97-36.
Тулкибош — Мунира **САЪДУЛЛАЕВА.** +7-747-144-60-71.
Обуна, реклама ва эълонлар — Зокиржон **МУМИНЖОНОВ.** +7-702-278-96-90

Қозоғистон Республикасида тарқатилади.

Муассис – Туркистон вилояти ҳокимлиги.
Мулк эгаси – “Жанубий Қозоғистон” вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси тахририяти” масъулияти чекланган биродарлиги.

● Мақолалар, эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун муаллифлар, реклама ва эълон берувчилар масъулдир.
● Фойдаланилмаган мақолаларга эъза жавоб қайтарилмайди.

МАНЗИЛИМИЗ: 160000, Шимкент шаҳри, Диваев кўчаси, 4-уй,
4-қават. Телефон: 53-93-17. Телефакс: 53-92-79.
Бухгалтерия: 39-16-44. +7-747-701-50-55
Электрон почта: janubiy@inbox.ru

Газета ҚР Маданият ва ахборот вазирлиги томонидан
2020 йил 21 апрелда рўйхатга олинб,
KZ34VP00022503 гувоҳнома берилган.

Нашр кўрсаткичи – 65466.
Адади – 12100 нуска.

“ERNUR-print” МЧБ босмахонасида чоп этилди,
Шимкент шаҳри, Т. Алимқулов кўчаси, 22.

Буюртма:
784.

Навбатчи муҳаррир: Саодат ШАРИФБОЕВА.